

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta



t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi



facebook.com/uzbekistonovozi



instagram.com/uzbekiston_ovozi



www.uzbovozi.uz



info@uzbovozi.uz

№35

2026-yil

3-sentabr, payshanba

1918-yil

21-iyundan chiqqan boshlagan



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли
ватандошлар!
Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун муқаддас Ватанимиз
мустақиллигининг кутлуғ ўттиз беш
йиллик байрами катта ифтихор ва
тантана билан нишонлаяпмиз.

Азиз халқимиз, жумладан,
муҳтарам нуронийларимиз, шижоатли
ёшларимиз, мўтабар аёлларимизни,
юртимиздаги барча миллат ва
элат вакиллари, хориждаги
ватандошларимизни ушбу айём билан
чин юракдан самимий табриклайман.

Энг улуғ байрамимиз Янги
Тошкентда ўтказилаётгани тантана
шукҳини янада оширмақда.

Келгусида илм-фан, таълим ва
маданият маркази бўладиган ушбу
хўдудда кўни кеча Янги Ўзбекистон
университети, Низомий Ганжавий
номидаги Ўзбекистон Миллий
педагогика университети, Ўзбекистон
миллий кутубхонасининг муҳташам
биноларини ишга туширдик.

Бугун сизларнинг иштирокингизда
очиладиган фаввора дунёдаги энг
баланд мусиқали фаввора сифатида
Гиннесснинг рекордлар китобидан жой
олгани ҳам байрам кайфиятига янада
баланд рух бағишлайди.

Бир неча юз йиллик орзулар рўёбга
чиқаётган бу бетакор маконда бутун
халқимиз билан ҳали яна кўплаб
қувончи ва тарихий воқеаларга гувоҳ
бўламиз.

Аминманки, Янги Тошкент
пойтахтимизнинг кўркига кўрк
қўшиб, биз барпо этаётган Янги
Ўзбекистоннинг куч-қудратини намоён
этадиган чинакам тараққиёт марказига
айланади!

Қадрли дўстлар!

Биз 1991 йилда халқимизнинг
хоҳиш-иродаси ва қатъияти билан
ўз давлат мустақиллигини қўлга
киритдик. Аслида буюк истиқлолимиз
илдизлари уч минг йилдан зиёд
бўлган давлатчилик анъаналаримиз
ва қадимий цивилизациямиз тарихига
бориб тақалади.

Биринчи ва Иккинчи Ренессанс
даврида Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад
Фарғоний, Абу Райҳон Беруний,
Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек,
Мир Алишер Навоий каби буюк
алломаларимиз башариёт тафаккури
хазинасини бойитган.

Соҳибқирон Амир Темури бобомиз
барпо этган давлат эса адолат ва
бунёдкорлик тимсоли сифатида тарих
зарварақларидан муносиб ўрин олган.

Ватан озодлиги ва миллий истиқлол
йўлида жонини фидо қилган Бехбудий,
Мунавварқори, Фитрат, Қодирий,
Чўлпон каби жадид боболаримизнинг
хурият ҳақидаги орзу-ниятлари
бугун Янги Ўзбекистонда тўлиқ рўёбга
чиқмоқда.

Мустақиллик, энг аввало,
бизга шону шарафимизни,
муқаддас динимизни, она
тилимизни, унутилаётган миллий
қадриятларимизни қайтариб берди.

Истиқлол туфайли биз ўзлигимизни
англадик, номи ҳамиша эъзозда
бўлган ота-боболаримизнинг муносиб
ворислари эканлигини бутун дунёга
намоён этдик.

Ушбу ҳаяжонли дақиқаларда
бугунги эркин ҳаёт учун жонини фидо
қилган улуғ аجدодларимиз, жадидлар
хотирасига таъзим бажо келтирамиз.

Мана шу тарихий санада ўтган 35
йил давомида мустақиллигимизни
мустаҳкамлашга муносиб
ҳисса қўшган барча марҳум

юртдошларимизнинг фидокорона
меҳнати ва жасоратини яна бир бор
эътироф этишни жоиз, деб биламиз.

Биринчи Президентимиз, атоқли
давлат ва сиёсат арбоби Ислоҳ
Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин
хотирасини эҳтиром билан ёд этамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Мустақилликнинг буюк аҳамияти,
аввало, инсон қадри ва эркин
ҳаётида намоён бўлади. Шу боис,
биз ислохотларни бошлаган биринчи
кўнларданоқ халқнинг қалбига қўлоқ
солдик, аҳолининг дардига дармон
бўлишни мақсад қилдик. “Инсон қадри
учун!” деган ғояни давлат сиёсатининг
марказига олиб чиқдик. Биринчи галда
“пахта қўллиги”, “мажбурий меҳнат
ва болалар меҳнати”, “конвертация
чеклови”, “прописка” каби одамларни
йиллар давомида қийнаб келган
муаммоларга барҳам бердик.

Энг асосийси, фуқароларимиз
юрағидаги кўркўв ва ҳадик ўрнини
ишонч ва хотиржамлик эгаллади.
Ҳар бир инсон эркин ва фаровон
яшайдиган жамият барпо этиш учун
кейинги ўн йилда тинимсиз изландик,
қаттиқ меҳнат қилдик.

Катта сиёсий ирода кўрсатиб,
Ўзбекистонни дунёга кенг очдик.
Хусусан, чегара муаммолари ҳал
қилинди, қўшнилари билан дўстлик
ва ҳамкорлик мустаҳкамланди. Валюта,
солиқ, божхона ва инвестиция сиёсатида
тўб ўзгаришлар амалга оширилди.
Натижада “Иқтисодий эркинлик
индекси”даги ўрнимизни 80 поғона
яхшилаб, “иқтисодиёти мўтадил эркин”
давлатлар қаторидан жой олдик.

Илгари иқтисодиётимизга йилига 2-3
миллиард доллар хорижий инвестиция
олиб келинган бўлса, ҳозирги пайтда
40-50 миллиард доллар чет эл
сармояси жалб қилинмоқда. Юртимизга

инвестициялар билан бирга илғор
технологиялар, замонавий билим ва
янги иқтисодий имкониятлар кириб
келмоқда.

Биз уч йил олдин 2030 йилда ялпи
ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард
долларга етказишни режа қилган эдик.
Глобал логистикадаги узилишлар,
дунёдаги нотинч вазиятга қарамадан,
бу вазифани шу йилнинг ўзида ортиғи
билан амалга оширамиз ва даромади
ўртачадан юқори бўлган давлатлар
қаторига кирамиз.

Этиборли жиҳати – биз бундай
юксак натижаларга халқимизнинг
фидокорона меҳнати, интеллектуал
салоҳияти ҳамда миллат ва давлат
бирдамлиги туфайли эришяпмиз.
Ижобий ўзгаришларни ҳар бир инсон,
ҳар бир оила ўз ҳаётида чуқур ҳис
этяпти, десам, фикримга қўшилмасиз,
албатта.

Янги даврда замонавий уй-жойга
эга бўлган 650 мингдан зиёд оиланинг
қувончини сўз билан таърифлаб
бўладими?

Минглаб маҳалларимизга Янги
Ўзбекистон қиёфаси кириб бормоқда.
Камбағаллик масаласини очиқ тан
олиб, уни кескин қисқартириш бўйича
Янги Ўзбекистон тажрибасини яратдик.
Эҳтиёжманд оилаларнинг даромади,
касби, саломатлиги, фарзандларининг
таълим олиши ва яшаш шароитини
яхшилаш бўйича “маҳаллабай” ишлаш
тизимини йўлга қўйдик.

Изчил саъй-ҳаракатларимиз
туфайли бугунги кунда камбағаллик
даражасини 2017 йилдаги 35 фоиздан
4 фоизга туширишга эришдик. Ушбу
рақамлар замирида рўзғорига барака
кириб, турмуш сифати яхшилانган
10 миллион инсоннинг қувончи ва
шукроналик туйғулари мужассам.

► (Давоми 2-бетда)

ШУКУҲ

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС НИҲОЛЛАРИ



Барчамиз учун бирдек қадрли айём — мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги шукҳи ҳукм суриб турган айна пайтда Билимлар кўни ҳам шаҳар ва қишлоқларимиз бўйлаб юксак кўтаринкиликда қарши олинди. Айниқса, бу кўнни ҳаммадан ҳам кўра интиқ бўлиб кутган, мактаб аталмиш нурли даргоҳга илк қадам қўйган жажжи ўғил-қизларимиздаги ҳаяжон, ҳайрат ва қувончдан дил яйрайди.

► (Давоми 4-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Муҳтарам юртдошлар!

Дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз учун бизга билимли, келажак касбларини пухта эгаллаган, мустақил фикрига эга бўлган янги авлод мутахассислари керак. Шу боис, таълимга сифат ва мазмун олиб киряпмиз. Муаллимнинг обрў-эътиборини тиклаб, даромадини ошириб боряпмиз.

Ўтган ўн йилда, аҳолимиз 8 миллионга кўпайган шароитда ҳам боғча қамровини 78 фоизга етказдик. Мактабларда 1,5 миллион кўшимча ўқувчи ўрни яратилди. Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар ташкил этилгани фарзандларимизга етакчи хорижий таълим масканларидан кам бўлмаган даражада чуқур билим эгаллаш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Ёшларга хорижий тиллар ва касб-хунар ўрганишлари учун муносиб шароитлар яратдик.

Олийгоҳларда ўқиш учун қулай шароитларни кенгайтирганимиз ҳисобига ҳозирги кунда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Қувонарлиси, ёшларда билим олишга иштиёқ кучайди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди.

Айниқса, талабаларнинг ярмидан кўпини хотин-қизлар ташкил этаётгани – Учинчи Ренессанснинг ўзига хос қиёфаси, десак, тўғри бўлади. Чунки, **билимли қизлар – билимли оила, билимли авлод ва маърифатли жамият деганидир.**

Биз таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновацияларни ҳам тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили, деб биламиз.

Шу билан бирам, ИТ, сунъий интеллект, креатив иқтисодиёт каби йўналишлар ривожига янги руҳ бериб, жуда катта ҳаракатни бошлаб юбордик. Бу орқали 10 миллион ёшларимизни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кирамиз.

Истиқлол байрамимиз арафасида хитойлик ҳамкорларимиз билан “Самарқанд – 2028” сунъий йўлдошини фазога учирганимиз бизга алоҳида ғурур бағишлайди.

Менинг ниятим: Ўзбекистон технология соҳаларида жаҳонга илғор ташаббусларни таклиф қиладиган марказга айланиши зарур.

Ўзбек тили – рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Инсон қадрини ҳақида сўз юритганда, аҳолимизнинг соғлиғи масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз табиий. Сўнгги йилларда ушбу соҳага ажратилаётган маблағни 8 каррадан зиёд оширдик. Энг муҳими, сифатли тиббий хизмат олиш имконияти нафақат марказда, балки ҳудудларда ҳам яратилди.

Ўтган даврда юртимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилгани, хусусий секторга кенг имконият берилгани туфайли тиббий хизматлар ҳажми 3 карра ошди. Юқори малакали шифокорлар тайёрлашни йўлга қўйиб, уларга шароит яратганимиз ўз натижасини беряпти. Илгари хорижда амалга оширилган 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари бугун юртимизда ҳам мукамал бажарилмоқда.

Умуман, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етгани, гўдақлар ва оналар ўлими кўрсаткичи 4 баробар камайгани соҳадаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Қадрли дўстлар!

Жонажон Ватанимиз азалдан улуғ мутафаккирлар, азиз авлиёлар, буюк алломалар юрти бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросга муносиб

равишда Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Бурхониддин Марғиновий ёдгорлик мажмуалари каби бетакрор илмий-маърифий даргоҳларни барпо этдик.

Бу муҳташам ва табарруқ масканлар бугун нафақат юртимиз ва ислом олами, балки бутун жаҳон аҳлининг ҳақли эътирофига сазовор бўлмоқда. Биз бундай бунёдкорлик ишларини жадал давом эттирамиз.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Бизнинг энг катта бойлигимиз – эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган Янги Ўзбекистон ёшларидир. Интилувчан ва тиришқоқ ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар очиш учун ҳар йили 20-25 триллион сўм ажратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги бизнес вакилларининг 35 фоизини ёш тадбиркорлар ташкил этапти.

Токио ва Париж Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинларида, дунё майдонларида ёш спортчиларимиз эришган тарихий ютуқлар халқимизга чексиз ифтихор бағишлади.

Футболчиларимиз илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этиб, ўзбек спорти тарихида янги саҳифа очди. Улар бошлаган йўл албатта давомли ва зафарли бўлади, деб ишонамиз.

Яқин кунларда Самарқандда катта спорт анжумани – Жаҳон шахмат олимпиадаси бошланади. Ноябрь ойида эса машҳур гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоров жаҳон шахмат тожи учун курашга киришади.

Ушбу мусобақаларда шахматчи ўғил-қизларимга улкан зафарлар тилайман!

Халқро фан олимпиадаларида, танлов ва фестивалларда юқори ўринларни эгаллаётган ёшларимизни – Янги Ўзбекистон юлдузлари, келажак бунёдкорлари, деб биламан!

Олдинга қараб интилишдан ва доимий изланишдан ҳеч қачон тўхтаманг, азиз фарзандларим!

Муҳтарам юртдошлар!

Бугун биз тарихнинг янада масъулиятли ва ҳал қилувчи палласида турибмиз. Мамлакатимиз тараққиётнинг мутлақо янги даврига қадам қўймоқда. Келгуси ўн йиллик – биз учун **миллий юксалиш даври** бўлади.

Буни фақат ва фақат халқимизнинг ақл-заковати, меҳнати ва бирдамлиги орқали ўзимиз бунёд этамиз. Шу мақсадда келгуси йилларда юртимизда инсон қадрини янада юксалтирадиган 7 та миллий дастурни амалга оширамиз.

Биринчи миллий дастур билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришдан иборат бўлади.

Болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гуруҳларига қамровини қисқа муддатда 100 фоизга олиб чиқамиз. Хусусий боғча ташкил қилиш бўйича мавжуд имтиёзлар сақлаб қолинади.

Барча мактаблар халқро баҳолаш дастурлари билан тўлиқ қамраб олинади.

Юртимиздаги техникумларда халқро таълим стандартларини жорий этамиз. Уларда ёшларимизни юқори даромадли касбларга ўқитишни йўлга қўйиб, қамровни 1 миллионга етказамиз. Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмайди.

Биз келгуси йилларда камида 10 та университетимизни ТОП мингталикка киритишни катта марра сифатида белгилаймиз.

Иккинчи миллий дастур халқимизнинг соғлом бўлиши ва узоқ умр кўришини таъминлашга хизмат қилади.

Шу мақсадда аҳоли саломатлиги билан боғлиқ давлат харажатларини келгуси беш йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 5 фоизга етказамиз.

Биз тиббиётда профилактикани кучайтириш орқали саломатликни асраш моделига ўтамиз. Давлат

тиббий суғуртаси мамлакатнинг барча хонадонларига кириб боради.

Ихтисослашган тиббиётда рақобат муҳитини кучайтириш мақсадида дунёнинг энг нуфузли камида 5 та клиникасини олиб келамиз.

Юртимизни замонавий тиббиёт, фармацевтика, биотехнологиялар ва тиббий таълим тараққий этган масканга айлантирамыз.

Ҳурматли тадбир иштирокчилари!

Учинчи миллий дастур – иқтисодиётимизни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш.

Бунинг учун келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Иқтисодиётда юқори ўсиш суръатини сақлаган ҳолда, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажми 300 миллиард долларга етказилади, саноатда 2 миллионга юқори даромадли иш ўрни яратилади.

Ёшларимизнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда стартап, венчур ва сунъий интеллектни ривожлантириш устувор йўналишга айланади.

Шунингдек, кичик бизнес – ўрта бизнесга, ўрта корхоналар эса йирик компания ва корпорацияларга айланиши учун яхлит экотизимни йўлга қўямиз. Буларнинг ҳисобига келгуси ўн йилда жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажми 10 минг долларлик маррадан ошади.

Азиз дўстлар!

Глобал иқлим ўзгариши шароитида сув ва экология масалалари янада долзарб бўлиб бормоқда.

Шу боис, **тўртинчи миллий дастур сув ва табиатга муносабатни тубдан ўзгартиришга қаратилади.**

Келгуси беш йилда экин майдонларида сув тежайдиган технологиялар қамровини 100 фоизга олиб чиқамиз. Бу – умуммиллий маррага айланади.

Табиатга муносабат – халқнинг маданияти, давлатнинг масъулияти ва тараққиётнинг сифат кўрсаткичидир. Шунинг учун мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Мактаб, боғча, шифохона ва кўп қаватли уйлар атрофидаги яшил ҳудудлар жамиятнинг дахлсиз бойлиги сифатида муҳофаза қилинади. Яқин йилларда туман ва шаҳар марказларида яшиллик кўламини 30 фоизга етказамиз.

Қадрли юртдошлар!

Адолат қарор топган жойда иқтисодий ўсиш ҳам, ижтимоий ишонч ҳам юксалади.

Бу борада **бешинчи миллий дастур – суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини таъминлашни умумий қадриятга айлантиришдан иборат.**

Бунинг учун ҳуқуқий тарбияни мактабдан бошлаб аниқ тизим асосида йўлга қўямиз. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг қонуний кафолатларини кучайтириш бўйича ислохотларимизни қатъий давом эттирамыз. Кибержиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосининг олдини олиш бўйича чораларни янада кучайтирамыз.

“Яширин иқтисодиёт”, уюшган жиноятчилик, аёллар ва болалар ҳуқуқини камситишга қарши курашни янги босқичга кўтарамиз.

Азиз ватандошлар!

Одамларимизнинг кайфияти, оилаларнинг фаровонлиги, ёшларнинг орзу-истаги, тадбиркорларнинг ташаббускорлиги, энг аввало, маҳаллада намоён бўлади.

Шунинг учун **олтинчи миллий дастур маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантиришга йўналтирилади.**

Энди давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ёндашув буткул ўзгаради. Туман бюджети, инвестиция дастури ҳамда инфратузилма

лойиҳалари маҳалла буюртмаси асосида ишлаб чиқилади. Бунда фуқароларнинг талаб ва эҳтиёжи, маҳалланинг фаровонлиги – энг асосий мезон сифатида белгиланади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Еттинчи миллий дастур – Ўзбекистоннинг тинчлик ва дўстлик диёри, бағрикенг ўлка сифатидаги нуфузини ҳар томонлама юксалтиришдан иборат.

Юртимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари, 16 та диний конфессия аъзолари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамокда.

Бугунги нотинч замонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик халқимизнинг олтин фонди, бебаҳо бойлигидир.

Бизнинг очик, прагматик ва тинчликпарвар сиёсатимиз узоқ муддатли тараққиётимизни таъминлашга қаратилган.

Марказий Осиёда аҳил қўшничилик, стратегик шериклик ва дўстлик алоқаларини кенгайтиришда тарихий ютуқларга эришилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Америка, Осиё-Тинч океани минтақаси ва араб-мусулмон дунёси давлатлари билан муносабатларимиз янада мустаҳкамланди. Шарқий Европа, Африка ва Лотин Америкасида янги ҳамкорлик йўналишлари очилди.

Мамлакатимиз билан дипломатик муносабат ўрнатган давлатлар сони қарийб 170 тага етди.

Ўзбекистонни халқро дипломатиянинг муҳим марказига айлантириш учун кўпқиррали, вазмин ва мувозанатли ташқи сиёсатни давом эттирамыз. Иқтисодий дипломатия ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Мамлакатимиз 2027-2029 йилларда Қўшилмаслик ҳаракатига илк маротаба раислик қилади. Дунёдаги 120 дан ортиқ давлатни бирлаштирган ушбу глобал тузилма самарадорлигини оширишга қаратилган ташаббусларни фаол илгари сурамиз.

Ён қўшнимиз бўлган Афғонистон бўйича конструктив сиёсатимизни қатъий давом эттирамыз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакилларига, хорижий оммавий ахборот воситалари ходимларига, АҚШ, Туркия ва Сингапурдан келган юқори мартабали меҳмонларимизга самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бир фикрни ишонч билан айтмоқчиман.

Биз бугун кечагидан кучлимыз. Насиб этса, эртага бундан ҳам кучли бўламиз.

Ўттиз беш йиллик мустақил тараққиёт йўлимыз бизга бир ҳақиқатни ўргатди: халқ ва давлат ягона мақсад йўлида бирлашиб, астойдил ҳаракат қилса, забт этиб бўлмайдиган марранинг ўзи йўқ.

Бундай буюк қудратга эга халқ ва давлатни энга оладиган кучнинг ўзи йўқ.

Биз ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва буюк келажагимизни биргаликда барпо этамиз!

Ишончим комил, матонатли, мард ва олижаноб халқимиз ўз олдига қўйган улуғ мақсадларга албатта етади.

Ватанимизнинг олтин даврини, янги буюк тарихини албатта барчамиз биргаликда яратамиз!

Бизга мустақиллик неъматини берган Парвардигоримизга чексиз шукроналар бўлсин!

Истиқлолимиз ижодкори ва ҳақиқий бунёдкори бўлган халқимизга шон-шарафлар бўлсин!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги улуғ байрам – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллиги билан яна бир бор табриклайман.

Юртимиз тинч, хонадонларимиз обод ва фаровон бўлсин!

Яшасин Ўзбекистон

Республикаси!

Яшасин Ўзбекистон халқи!



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги партия
фракцияси раҳбари.

Мустақиллик халқимизнинг жипслиги ва ҳамжиҳатлигини янада оширадиган энг улуг, энг азиз байрамга айланганига шу кунларда яна бир бор гувоҳ бўлдик. Байрам дастуридаги улугвор ва жўшқин чиқишлар ғурур ва ифтихорни оширди. “Янги Тошкент” ҳудудида қад ростлаган муҳташам майдонда янграган тарихий фикр ва янги ташаббуслар халқимиз куч-қудрати, бунёдкорлик салоҳиятининг ҳаётий намоёни бўлди.

Президентнинг Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги айёмидаги нутқи байрам табригигина эмас, яқин йиллар учун ҳаётий дастур бўлди. Нутқда одамларнинг розилиги, кучли ижтимоий ҳимоя ва инсон қадри энг олий ўринга қўйилди. Амалга оширилган тизимли ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси 2017 йилдаги 35

ҲАМЖИҲАТ ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҲТАШАМ БАЙРАМИ

фоиздан 4 фоизга тушгани таъкидланди. Мана шу рақамлар ортида миллионлаб оилаларнинг рўзгорига барака кириб, турмуш сифати яхшиланганини англашимиз мумкин. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош мақсади бўлган ижтимоий ҳимоя ва аҳоли турмуш фаровонлиги тамойиллари бугун мамлакатимизда давлат сиёсатининг бош мезонларидан бирига айланганини яна бир бор қатъий исботлади.

Энг муҳими, келгуси ўн йиллик – биз учун янада стратегик аҳамият касб этиши, ушбу даврда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилайдиган 7 та миллий дастур амалга оширилиши эълон қилинди. Ушбу дастурлар партиямиз электорати ва ғоялариغا айна мувофиқ келади.

Биринчи дастур билан билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантириш мақсад қилинган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун таълим бу фақат билим бериш тизими эмас, балки ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт кечириш саодатини яратишнинг энг муҳим воситасидир.

Шу боис, биз мамлакатимизда ҳар бир боланинг, унинг яшаш жойи, оиласининг моддий аҳволи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар,

сифатли таълим олиши учун тенг имкониятлар яратилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бунда, аввало, болаларнинг 6 ёшли тайёрлов гуруҳлариغا қамровини 100 фоизга етказиш муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Чунки боланинг мактабга қай даражада тайёр ҳолда кириб келиши унинг кейинги таълимдаги муваффақиятига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, чекка ва олис ҳудудларда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун мактабгача тайёрлов тизимининг тўлиқ жорий этилиши катта аҳамиятга эга.

Дастурда техникумларда халқаро таълим стандартлари жорий этилиб, у ерда ёшларни замонавий меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш тизимини кенгайтириш орқали қамровни 1 миллионга етказиш кўзда тутилмоқда. Энди касб-хунар таълимида назария билан бирга амалий кўникмаларни шакллантиришга устувор аҳамият берилади. Натижада ёшларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб, амалий малака ва ўз меҳнати билан муносиб даромад топиш имконияти кенгайди.

Янги Ўзбекистонда касб эгалламаган бирорта йигит-қиз қолмаслиги, ҳар бир ёш ўз қобилияти ва қизиқишига мос билим ва касб танлаши, шу орқали муносиб ҳаёт куриш имкониятига эга бўлиши мақсад

“

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УЧУН ТАЪЛИМ БУ ФАҚАТ БИЛИМ БЕРИШ ТИЗИМИ ЭМАС, БАЛКИ ҲУҚУҚЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАР БИР ИНСОН УЧУН МУНОСИБ ҲАЁТ КЕЧИРИШ САОДАТИНИ ЯРАТИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВОСИТАСИДИР.

қилинган.

Шунингдек, иккинчи миллий дастурда халқимизнинг соғлом бўлиши ва тиббий сугўртани ҳар бир хонадонга киритиш назарда тутилмоқда. Бу партиямиз йиллар давомида курашиб келаётган «ҳар бир инсон учун

сифатли ва бепул тиббиёт» тамойилини ҳаётимизга изчил олиб киради.

Қолаверса, олтинчи миллий дастурга мувофиқ маҳаллани жамият тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш ташаббуси маҳаллий бюджет ва лойиҳаларни юқоридан эмас, айнан оддий одамлар, кўмакка муҳтож оилаларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб тақсимлаш имконини беради. Бу биз ҳимоя қилаётган ижтимоий тенглик, шунингдек, давлатнинг халқимиз олдидаги масъулиятини янада ошириш ғоялари рўёбининг асл ифодаси бўлади.

Давлат раҳбари 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажминин 300 миллиард долларга етказиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 10 минг доллардан ошириш, саноатда 2 миллионга юқори даромадли иш ўрни яратиш вазифасини қўйди.

Бу рақамлар ортида юз минглаб оилаларнинг фаровонлиги, ёшларимизнинг муносиб иш билан таъминланиши турибди. Иқтисодий ўсиш билан бирга ижтимоий уй-жойлар қурилиши ва ижтимоий хизматлар сифатининг оширилиши Халқ демократик партияси аъзолари ва хайрихоҳлари фаол қўллаб-қувватлайдиган катта қадамдир.

Яна бир нарсани англадик, халқимиз жипс экан, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, керак бўлса, ҳам сиёсий жиҳатдан эртага, албатта, янада қудратлироқ бўламиз. Парламентдаги ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, фаоллар ва фидойиларимиз билан бирга халқимиз манфаатлари ҳимояси йўлида сидқиидилдан хизмат қилишга тайёرمىз.

КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ...



Анвар НУРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП
фракцияси аъзоси.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигини катта тантана билан нишонладик. Ҳали ҳам байрам кайфияти тарқаб улгургани йўқ. Кўчаларда байрамона муҳит, одамларда хурсандчилик. Бир-биримизни табриклаб, «Юртимиз тинч бўлсин, фарзандларимиз бахтли бўлсин», деб яхши ниятлар қиляпмиз.

Аслида, байрам кунлари айтилган шу тилакларнинг ўзи мустақилликнинг маъносини жуда яхши англатади. Чунки одамга энг кераклиси — тинчлик, оиласи бағрида хотиржам яшаш, фарзандининг келажагидан хавотир олмаслик, меҳнат қилиб, рўзгорини тебрата олиш.

Давлат раҳбарининг байрам табригида мамлакатимизда камбағаллик даражаси кескин қисқаргани таъкидланди. Бунга шунчаки статистика, деб қарамаслик керак.

Бу оилалар, ота-оналар, фарзандлар, уларнинг орзулари ва эртанги кунга бўлган умидлари дегани. Кимдир ишли бўлди, кимдир ўз табдиркорлигини бошлади, кимдир касб ўрганди, кимдир уй-жой қилди. Энг муҳими, миллионлаб инсонларнинг «Эртага ҳаётим қандай бўлади?» деган саволи ўрнини умид, ишонч эгаллади.

Камбағаллиқнинг қисқариши ҳам айнан шу маънода муҳим. Чунки камбағаллик фақат даромаднинг камлиги эмас. Унинг ортида боланинг яхши таълим олиш имконияти, оиланинг муносиб уй-жойи, соғлиқни сақлаш, касб ўрганиш, иш топиш ва ўз меҳнати

билан оиласини таъминлаш каби масалалар туради.

Президентимиз айтганидек, 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажминин 160 миллиард долларга етказиш режа қилинган эди. Лекин бу мақсадга анча эртароқ — шу йилнинг ўзидаёқ етишимиз кутилмоқда. Бу, албатта, улкан марра. Энг муҳими, мамлакатимиз даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига қадам қўяди.

Бу ҳам шунчаки иқтисодий кўрсаткич эмас. Чунки мамлакат иқтисодиёти ўсганда, унинг самараси одамлар дастурхонида, уйда, фарзандининг таълимида, ишида, даромадида кўринади.

Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ўзгариб бормоқда. Шунинг учун мустақилликнинг 35 йиллиги фақат эришилган натижалардан қувониш эмас, балки келажак ҳақида ўйлаш учун ҳам бир фурсатдир.

Президентимиз келгуси ўн йиллик Ўзбекистон учун «миллий юксалиш даври» бўлишини таъкидлади. Бу гапнинг ўзида катта маъно бор.

Чунки миллий юксалиш деганда фақат иқтисодиётнинг ўсиши ёки янги бинолар қурилиши эмас, аввало, инсоннинг юксалиши, унинг ҳаёти ва имкониятлари яхшиланиши тушунилади.

Келгуси йилларда асосий эътибор одамларнинг билим ва касб эгаллаши, соғлом ва узоқ умр кечириши, замонавий технологиялар асосида янги иш ўринлари ва муносиб даромад манбалари яратилишига қаратилади. Яъни инсоннинг ўқиши, ишлаши, яхши яшashi ва ўз келажагини ўзи қуриши учун имкониятлар янада кенгайиши керак.

Бу жараёнда ҳар биримизнинг ўз ҳиссамиз бўлиши шарт. Айниқса, биз, депутатларнинг зиммамизда алоҳида масъулият бор.

Чунки депутат одамлар орасида юрадиган, уларнинг гапини эшитадиган, муаммосини биладиган ва уни тегишли идоралар олдига олиб чиқадиған вакил. Биз учун энг муҳими – қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетмаслиги, унинг натижаси одамнинг ҳаётида сезилиши керак.

Айниқса, келгуси ўн йилликни миллий юксалиш даврига айлантиришдек юксак мақсадлар олдимизда турган бир пайтда депутатнинг ўрни янада муҳим.

Ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги одамларнинг ҳаёти яхшиланишига қанча ҳисса қўша олса, миллий юксалишга ҳам шунча ҳисса қўшган бўлади.

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ОЛИЙ БУРЧ



Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги
44-оилавий поликлиника
бош шифокори,
халқ депутатлари туман
Кенгашидаги ЎзХДП
депутати.

Мустақилликнинг 35 йиллиги — бу шунчаки сана эмас. Бу бутун бир мамлакатнинг босиб ўтган йўли, кечаги орзуларнинг бугунги воқеликка айланган даври.

Мустақиллик йилларида эришган натижаларимиз ҳақида гап кетганда, инсон саломатлиги ва умр давомийлигидаги ўзгаришларни эътироф этмоқ ўринлидир. Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилди, хусусий тиббиётни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бунинг натижасида тиббий хизматлар ҳажми уч қарра ошди. Лекин бу рақамларнинг ўзига қарабгина натижани баҳолаб бўлмайди. Чунки тиббиётдаги энг катта натижа — инсон саломатлиги ва унинг ҳаётида кўринади.

Бугун одамлар илгари фақат хорижга бориб даволаниш мумкин, деб ўйлаган кўплаб мураккаб касалликлар бўйича юртимизнинг ўзида юқори технологияли тиббий ёрдам олиш

имконига эга. 100 дан зиёд мураккаб диагностика ва даволаш усуллари бугун Ўзбекистонда мукаммал бажарилмоқда.

Бу, аввало, бемор учун бекиёс қулайлик. Касал бўлган инсон оиласидан узоққа кетмайди, катта харажатлар қилмайди, ўз юртида малакали тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлади.

Энг таъсирлиси эса инсон умри билан боғлиқ натижалар. Президентимиз айтганидек, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги 1991 йилдаги 66,4 ёшдан 2025 йилда 75,4 ёшга етди. Гўдақлар ва оналар ўлими кўрсаткичи тўрт баробар камайди.

Келгуси йилларда халқимизнинг соғлом ва узоқ умр кўриши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш ва унинг олдини олишга эътиборни кучайтириш муҳим вазифалардан бўлади. Аслида инсоннинг узоқ умр кўриши бир рақам эмас. Одамнинг соғлом яшаган ҳар бир йили — унинг оиласи учун қувонч, фарзандлари учун бахт, жамият учун катта бойлик.

Шунинг учун «миллий юксалиш» деганда иқтисодий ўсиш билан бирга, одамларнинг соғлом, хотиржам ва муносиб ҳаёт кечириши ҳам кўзда тутилаётгани жуда муҳим.

Байрамда айтилган мақсадлар ҳам шуни кўрсатяпти: келгуси ўн йилликда нафақат мамлакатимиз иқтисодиёти, балки инсоннинг ўзи, унинг ҳаёт сифати ва келажака ишончи янада юксалиши керак.

Биз, тиббиёт ходимлари бу мақсадларнинг нақадар муҳим эканини яхши тушунамиз. Чунки ҳар кун инсон ҳаёти, саломатлиги, оиласининг қувончи ва ташвиши билан юзма-юз келамиз. Беморнинг дарди енгиллашиши, она ва боланинг саломатлиги, инсоннинг яна соғлом ҳаётга қайтиши — биз учун энг катта натижа.

Шу боис, мустақилликнинг 35 йиллиги мен учун фақат фахр ва қувонч байрами эмас, балки ўзимга берилган савол ҳамдир: “Мен юртим, халқим ва инсонлар ҳаёти учун нима қиляпман?”

Юрт тараққиёти улугвор мақсадлардан бошланса, унинг ҳақиқий натижаси инсонлар ҳаёти яхшиланганида намоён бўлади.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС НИҲОЛЛАРИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Билимлар куни муносабати билан давлат раҳбари юртимиз ахлига, ўқитувчи ва мураббийларга ҳамда азиз фарзандларимизга қутлов йўллади. Бинобарин, замирида Янги Ўзбекистоннинг инсон капитални ривожлантиришга оид устувор мақсадлари мужассам ушбу табрикда таълим тизими ва жамият тараққиётига дахлдор энг муҳим йўналишлар акс этган.

Ҳеч шубҳа йўқки, бугун ўқишда, касбий таълимда, рақамли технологияларда, иқодий изланишлар, спорт ҳамда жамоат ишларида дастлабки ютуқлари билан барчани қувонтираётган ўғил-қизларимиз — Янги Ўзбекистоннинг ҳақиқий олтин фонди ва нурли келажагидир. Табрикда келтирилганидек, сафлари йил сайин кенгайиб бораётган мана шундай зукко, тиришқоқ фарзандларимиз тимсолида Учинчи Ренессанс ниҳолларини кўрамыз. Уларнинг ҳар бирини гуркираб ўсадиган азим дарахт, эртанги кунимизнинг мустаҳкам устунлари этиб тарбиялаш давлат ва жамиятнинг энг муқаддас вазифасига айланган.

Тахлилларга назар ташласак, охириги йилларда 1-синфга қабул жараёнларида ўзига хос динамика кузатилмоқда. Масалан, 2024-2025 ўқув йилида қарийб 700 минг нафар бола мактаб

тизимига кириб келган бўлса, ўтган ўқув йилида ушбу рақам 738 минг нафарни ташкил этди. Жорий 2026-2027 ўқув йилида эса республика мактаблари рекорд даражадаги — 800 мингга яқин болани 1-синфга қабул қилди.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимизда барқарор демографик ўсиш натижасида мактаб ёшидаги болалар сони йил сайин ортиб бораётгани таълим тизими олдида энг биринчи навбатда инфратузилмани изчил кенгайтириш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш вазифасини қўймоқда. 1-синфга қабул қилинаётган ўқувчилар

оқимининг кескин ортиши янги замонавий мактаб биноларини барпо этиш, мавжудларини кенгайтириш ҳамда дарсларни икки навбатлилик (смена) меъёридан оширмаслик чораларини кўришни тақозо этаётир. Шу билан бирга, синфхоналарни рақамли технологиялар, замонавий лаборатория ускуналари ва янги авлод дарсликлари билан ўз вақтида тазминлаш, ўқув масканларида сифатли ва хавфсиз муҳитни сақлаб қолиш соҳа мутасаддиларидан катта иқтисодий ва ташкилий сафарбарлиқни талаб қилмоқда.

Педагогик кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини назорат қилиш тизимини тубдан янгилаш, ҳар бир болага индивидуал ёндашув, таълим жараёнига илғор халқаро методикаларни татбиқ этиш ва синфлардаги болалар сонининг ортиши фонида ўқитиш сифатини тушириб юбормаслик ҳам тизимнинг долзарб вазифаси саналади.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда мазкур жабҳада дадил силжишлар кузатилмоқда. Нафақат умумтаълимни сифат босқичига олиб чиқиш, балки мактаб бағридан катта ҳаётга йўлланма олаётган фарзандларимизнинг ҳам пухта билим ва камида битта замонавий касб-хунар эгаси бўлиб чиқиши учун барча куч-имкониятлар сафарбар қилинаётир. Табрикда тилга олинган — ҳудудларда яратиладиган «Касблар шаҳарчалари» айнан ёшларнинг назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлашига, мустақил ҳаётда ўз ўринларини тезроқ топишларига хизмат қилмоғи тайин.

Шу маънода янги ўқув йили мамлакатимизнинг бутун таълим тизимида — мактаб ва лицейлардан тортиб, техникум ва олийгоҳлар ҳаётида янги маърифий юксалиш йили бўлади, десак янглишмаймиз.


Ҳозирги шиддаткор ва юксак технологиялар асрида ёшлар учун муваффақият ҳамда саодат

ягона калит бу — билимдир. Умрнинг энг жўшқин ва гўзал палласи — ёшликнинг ҳар бир лаҳзасини қадрлаб, янги илм, ғоя ва инновацияларни, замонавий касб-хунарларни, она тилимиз, бой тарихимиз ва маданиятимиз асосларини пухта эгаллаш ҳар бир ўқувчи ва талабанинг кундалик мақсадига айланиши шарт.

Бугун мактаб остонасига қўйилаётган илк қадамлар кун келиб, Янги Ўзбекистон тараққиётининг яна бир мустаҳкам пойдевори, миллатимиз тафаккурини чўққиларга олиб чиқадиған нажоткор маёқ бўлиши муқаррар.

Фарида ИБРОҲИМОВА.

МУАЛЛИМНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИ ҚИЁФАСИ



Биллуро ЗАЙНИЕВА,
Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллиги тантаналари билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда ўтган Билимлар куни биз, ўқитувчи-мураббийлар учун илм урфонида, касбий фаолиятимизда яна бир янги марралар сари интилиш дебوحаси ҳисобланади.

Шундай кезларда беихтиёр орта назар ташлайсан киши. Яшириб нима қилдик, юртимизда таълим тизими ўзининг энг оғир, энг синовли кунларини бошидан ўтказди. Бир пайтлар «ўқитувчи» деган номнинг ортида пахта даласида қадоқ бўлган қўллар, қозғозликдан чарчаган нигоҳлар ва, энг ачинарлиси, рўзгорини тебратиш учун мактабдан кейин мардикорлик ёки бозорда савдо қилишга мажбур бўлган зиёлининг афсус-надоматлари ётарди. Уша кезлари «Ўқитувчининг маоши 1000 долларга етади» деган гапни биров айтса, ҳеч ким ишонмаслиги аниқ эди. Чунки ўқитувчининг жамиятдаги кадр-қиммати ва нуфузи ҳам худди унинг арзимас маоши каби пасайиб кетганди.

Аммо кейинги йилларда таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ давлат сиёсатининг марказига, жамиятнинг тўрига айнан муаллим олиб чиқилди. Ўқитувчининг росмана мақоми ошди.

Умуман олганда, Президентимизнинг Билимлар куни муносабати билан йўллаган табригида қайд этилганидек, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туфайли Янги Ўзбекистон мактаблари бутунлай янгича қиёфа касб этиб, таълим сифати такомиллашиб бораётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз.

Мен 18 йилдан буён ўқувчиларга она



тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериб келаётган устоз сифатида тизимдаги туб бурилишларни ҳаяжонсиз гапиролмайман.

2024 йилда қабул қилинган «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги тарихий қонун биз, муаллимлар учун чинакам «ижтимоий ва ҳуқуқий қалқон»га айланди. Қонун билан ўқитувчини касбий фаолиятига алоқадор бўлмаган ишларга — мажбурий меҳнатга, ободонлаштириш ёки турли хил ортиқча ҳисоботбозликка жалб қилиш қатъий тақиқланди, бунга йўл қўйганларга маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик белгиланди. Муаллимнинг шаъни ва кадр-қимматини камситишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракат учун жазо муқаррарлиги таъминланди. Педагогларнинг солиғини сақлаш давлат назоратига олинди. Қонунга мувофиқ, биз давлат тиббиёт муассасаларида бепул мажбурий тиббий кўрикдан ўтиш, шунингдек, сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар олиш имкониятига эга бўлдик. Бу — муаллимнинг руҳий ва жисмоний хотиржамлиги, демакки, таълим сифатининг кафолатидир.

Яна бир муҳим жиҳат — Президентимизнинг «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси» ҳамда таълим сифатини оширишга оид фармон ва қарорлари асосида миллий ўқув дастуриимиз тубдан янгиланди. Финляндия ва Сингапур каби ривожланган давлатлар тажрибаси асосида критериял (форматив ва сумматив) баҳолаш тизимига ўтдик. Бу тизим шунчаки

балл қўйиш эмас, балки ўқувчининг танқидий ва креатив фикрлашини, мантиқини ҳамда амалий кўникмаларини адолатли баҳолашга хизмат қилмоқда. Натижада ўқувчида баҳо учун эмас, бевосита реал билим ва мустақил фикр учун интилиш пайдо бўлди.

Бугунги кунда ойлик даромадимнинг 1000 АҚШ доллари эквивалентидан ошгани кимлар учундир шунчаки баландпарвозликдек туюлиши мумкин. Аммо масаланинг туб моҳиятига назар ташласак, бу маблаг осмондан тушгани йўқ. Бу — тизимда яратилган шаффоф, адолатли ва энг муҳими, соғлом рақобатга асосланган муҳитнинг амалдаги натижасидир.

Ўқитувчилик шундай касбки, кечаги билим билан бугунги авлодга дарс бериб бўлмайди. Масалан, мен ўзим 2025 йили кузги аттестация жараёнларида иштирок этиб, максимал 100 балл тўпладим. Бу натижани юзлаб китоблар мутолааси, замонавий методикаларни ўзлаштириш ва тинимсиз ўз устимда ишлаганим меваси, деб биламан. Давлатимиз томонидан жорий этилган Миллий сертификатлаш тизими эса бу борада чинакам адолат тарозисига айланди. Касбий маҳоратимни синовдан ўтказиб, она тили ва адабиёт фанидан миллий сертификатнинг энг юқори — «А+» даражасини қўлга киритдим. Мазкур сертификат туфайли базавий маошимга 50 фоизлик устама қўшилди. Таълимда шундай тизим яратилдики, эндиликда ўз касбининг фидойилари эътибордан четда қолмаяпти. Яқиндагина шахсий кабинетим орқали яна бир хушхабарни қабул қилиб

олдим: фаолиятим давомида иккинчи маротаба Вазир жамғармаси устамаси соҳибасига айландим. Ўз устида ишлаган, ўқувчилари юқори натижалар қайд этган ўқитувчига бериладиган бу 70 фоизлик қўшимча даромад педагогларни уйқудан уйғотди, мактабларда соғлом рақобатни шакллантирди.

Қолаверса, яқиндагина мамлакатимиз миқёсида ўтказилган «Йил ўқитувчиси» нуфузли кўригида ғолиблиқни қўлга киритдим. Президентимиз ташаббуси билан ушбу танловнинг илк бор бундай кенг қамровда ва йирик молиявий мукофотлар билан ташкил этилиши жамиятда муаллимнинг қаддини нақадар баландга кўтарганини изоҳлашга сўз ожиз.

Энг қувонарлиси шундаки, бундай натижаларга эришаётган фақат мен эмасман. Ўзим фаолият юритаётган Вобкент туманидаги мактабимиз ва бошқа таълим даргоҳларида математика, инглиз тили каби фанлардан халқаро сертификатларни қўлга киритиб, маоши 1000 доллардан ошаётган ҳамкасбларим талайгина.

Бу жамиятимизда «ўқитувчи ночор, маоши рўзгоридан ортмайди» деган эски стереотипларнинг бутунлай барҳам топганини аңглатади. Моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланган, жамиятда ўз ўрни ва ҳурматига эга бўлган устозларгина Учинчи Ренессанснинг эркин фикрли, жаҳон билан бўйлаша оладиган бунёдкорларини тарбиялай олади.

Бизга берилаётган бу рағбат зиммамизга улкан масъулият юклайди. Давлатимиз раҳбари ўқитувчи, мураббий ва зиёлиларни Учинчи Ренессанснинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва таянчи сифатида эътироф этган. Шундай экан, бизга ишониб топширилган ҳар бир фарзандни жаҳон андозалари даражасида фикрлайдиган, билимли инсонлар қилиб тарбиялашга бор кучимизни бағишлаймиз.

Бугунги ёшларга қараб ҳавасим келади, чунки улар учун барча эшиқлар очик. Университетларда квоталарнинг кўпайиши, хусусий олийгоҳларнинг очилиши, профессионал таълим — касб-хунар мактаблари, коллеж ва техникумлар фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳар бир ёшнинг ўз йўлини топиши учун катта майдондир.

Ишончим комилки, бугунги ёшлар орасидан янги бобурлар, навоийлар, хоразмийлар, берунийлар етишиб чиқади. Улар ўз илми ва салоҳияти билан Ватанимиз равнақиға ҳисса қўшиб, давлатимиз ва халқимиз умидини, ишончини оқлайдилар. Биз, муаллимлар бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлишдан фахрланамиз.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ:

ОРОЛБЎЙИДА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Инсоннинг фаровон ҳаёти, аввало, унинг соғлом бўлиши, ишлаши ва оиласи учун муносиб даромад топа олиши билан бошланади. Бугун маҳаллада болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун шароит яратиш қанчалик муҳим бўлса, оддий хонадон эгасининг томорқасидан даромад олиши, ёшлар ёки хотин-қизларнинг ўз меҳнати билан пул топиши учун имконият яратиш ҳам шунчалик муҳим. Айниқса, Оролбўйининг оғир иқлим шароитида бу вазифаларга одатий эмас, балки ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган янги ёндашувлар билан орқарли ечим топиш зарур.



замонавий агротехник усуллар намоиш этилди.

Оролбўйи халқаро инновация маркази директори, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Бахитжан Хабибуллаев иштирокчиларга марказда олиб борилаётган илмий изланишлар, тажриба-синов ишлари ва келгусида аҳолига татбиқ этилиши режалаштирилаётган



ёшларда қизиқиш ортади. Агар қизиқиш бўлса ҳаракат пайдо бўлади. Ҳаракат бор жойда эса соғлом ҳаётга интилиш кучаяди.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Жамоатчилик эшитувининг иккинчи қисми айнан Оролбўйида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишда илм-фан, замонавий технологиялар ҳамда инновацион ечимлардан фойдаланиш масаласига бағишланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси, Оролбўйи халқаро инновация маркази директори Бахитжан Хабибуллаев «Оролбўйи минтақасида камбағалликни қисқартиришда аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг инновацион ечимлари» мавзусида маъруза қилди:

— Оролбўйининг шароити бошқа ҳудудлардан бироз фарқ қилади. Бу ерда сув танқислиги, ерларнинг шўрланиши, қургоқчилик каби муаммолар бор. Шунинг учун бошқа жойда самара берган усулни шунчаки олиб келиб, бу ерда қўллаш ҳар доим ҳам қўтилган натижани бермайди. Бизга айнан Қорақалпоғистоннинг шароитига мос ечимлар керак. Шу мақсадда марказимизда қургоқчилик ва шўрга чидамли экин турларини синовдан ўтказяпмиз, кам сув талаб қиладиган, кам харажат билан самарали натижа берадиган агротехнологияларни ўрганиб, амалиётга жорий қиялпмиз.

Менимча, илм-фаннинг энг катта қиймати унинг оддий инсонлар ҳаётига қанчалик наф келтириши билан ўлчанади. Агар олим яратган технология лабораторида қолиб кетса, унинг фойдаси чекланган бўлади. Биз эса бу ишланмаларни хонадонларга олиб киришни мақсад қилганмиз.

Масалан, бир оиланинг томорқаси бор, лекин ундан етарлича даромад ололмаепти. Агар унга ҳудуд шароитига мос уруғлик берилса, уни екиш ва парвариш қилиш бўйича тўғри агротехнология ўргатилса, сувдан самарали фойдаланиш йўли кўрсатилса, ўша кичик томорканинг ўзи оила учун қўшимча даромад манбаига айланиши мумкин. Шунинг учун эҳтиёжманд ва кам даромадли хонадонларга сертификатланган уруғликларни бепул тарқатяпмиз.

Лекин бу ерда мақсад фақат уруғлик бериш эмас. Асосий мақсад — инсонга ўз қўли билан даромад топиши учун имконият яратиш.

Чунки бир марталик ёрдам маълум бир муаммони вақтинча ҳал қилиши мумкин. Аммо инсонга билим, технология ва барқарор даромад манбаи

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ўтказилган жамоатчилик эшитувида аҳоли саломатлиги, оммавий спорт, бандлик ва оила даромадларини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Жойлардаги мавжуд муаммолар, аҳоли эҳтиёжлари ва уларга ечим бўла оладиган амалий таклифлар юзасидан фикр алмашилди. Зеро, одамлар ҳаётида ўзгариш бўлсагина, қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилаётган ишлар ўзининг ҳақиқий натижасини беради.

СОҒЛОМ ҲАЁТ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

Соғлом турмуш тарзи ҳақида кўп гапирамыз. Аммо бу тушунча ҳаётда қандай намоён бўлади? Бу — боланинг телефонга эмас, спорт майдончасига ошиқиши. Бу — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши. Бу — ота-онанинг фарзанди саломатлигидан хотиржам бўлиши. Бу — кекса инсоннинг эрталаб маҳалласида бемалол юриб, бадантарбия қилиши учун шароит борлиги.

Айнан шу масалалар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан ўтказилган жамоатчилик эшитувида кенг муҳокама қилинди.

Унда Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги раҳбар ва масъуллари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари, туман ва шаҳар партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Жўқорғи Кенгесдаги партия фракцияси раҳбари Халилла Ешимбетов очиб берди.

У ўз сўзида жойларда партия депутатлари томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаларига тўхталиб, спорт ва соғлом турмуш тарзи учун яратилган шароитларни янада яхшилаш билан бирга, мавжуд муаммоларни очиқ айтиш ва уларга амалий ечим топиш зарурлигини таъкидлади.

Бугун Қорақалпоғистонда спорт соҳасида муайян натижалар бор. Худудда 44 та спорт федерацияси ва ассоциацияси фаолият юритмоқда. 26 та спорт мактабида 1 527 нафар мураббий 46 643 нафар ёшга спорт сирларини ўргатмоқда. Иил бошидан буён 4 806 та оммавий спорт тадбири ўтказилиб, уларга 653 569 нафар фуқаро қамраб олинган. Қорақалпоғистонлик спортчилар республика ва халқаро мусобақаларда 2 156 та медални қўлга киритди.

Кўриниб турибдики, натижаларимиз ёмон эмас. Аммо спортнинг ҳақиқий самараси фақат медаллар билан ўлчанмайди. Унинг энг катта натижаси — соғлом бола, фаол ёш, соғлом оила ва ҳаракатдаги маҳалладир.

Шу маънода, спорт инфратузилмасини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. 2022–2025 йилларда ҳудудда 134 та спорт майдончаси фойдаланишга топширилди. Уларнинг 36 таси универсал, 70 таси стритбол-воркаут, 28 таси воркаут майдончаларидир. 2026 йилда яна 37 та спорт майдончаси қурилиши

режалаштирилган.

Бироқ жамоатчилик эшитуви бир ҳақиқатни кўрсатди: ҳали спорт майдончасига муҳтож маҳаллалар бор.

Халқ депутатлари Хўжайли туман Кенгаши депутати Б. Қурбанов жойларда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган ана шундай ҳолатларга эътибор қаратди.

- Биз жойларда ўрганишлар олиб борганимизда, айрим маҳаллаларда аҳолининг спорт билан шуғулланиши учун етарли шароитлар йўқлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Хўжайли туманидаги «Саманкол» ва Тахиатош туманидаги «Сарайкол» маҳаллаларида спорт майдончалари етишмаслиги сезилди. Бу, биринчи навбатда, ёшлар учун муаммо. Чунки ҳар бир маҳаллада болалар ва ёшлар бўш вақтини мазмунли ўтказиши, футбол, волейбол, баскетбол ёки бошқа спорт турлари билан шуғулланиши учун шароит бўлиши керак.

Хўш, муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Аввало, спорт инфратузилмаси етишмайдиган маҳаллаларни аниқлаб, уларда босқичма-босқич янги спорт майдончаларини қуриш керак. Менимча, бу майдончалар фақат битта спорт тури учун эмас, имкони борича универсал бўлиши лозим. Шунда бир жойнинг ўзида футбол, волейбол, баскетбол, воркаут каби машғулотларни ташкил қилиш мумкин бўлади.

Яна бир муҳим масала — майдонча қуриб қўйишнинг ўзи етарли эмас. У ерда кечкурун ҳам ёшлар бемалол шуғулланиши учун ёритиш, хавфсизлик ва зарур жиҳозлар бўлиши керак. Энг муҳими, бу майдончалардан доимий ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш зарур.

Спортни ёшларга яқинлаштириш керак. Масалан, маҳалланинг ўзида мунтазам мусобақалар, турнирлар, эрталабки бадантарбия ва оммавий спорт тадбирларини ташкил қилиш мумкин. Мактаб ўқувчилари, ёшлар ва хотин-қизларни ҳам бу жараёнга кенг жалб қилиш зарур. Чунки спорт билан шуғулланган ёшнинг бўш вақти ҳам мазмунли ўтади, ҳам соғлом муҳитда ўлғаяди, - деди депутат.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Бердибек Сейтназаров ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий спортни ривожлантириш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш муҳимлигини қайд этди.

Қорақалпоғистон Республикаси спорт вазири ўринбосари Азамат Қалбаев соҳада амалга оширилаётган ишлар, эришилган натижалар ва келгусидаги режалар ҳақида хисобот берди.

Муҳокама давомида янги таклифлар илгари сурилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, партия фракцияси аъзоси С. Хўжамуратова ҳудудда йога спорт буйича федерация ташкил этиш таклифини билдирди.

Жамоатчилик эшитувида соҳада ечимини кутаётган масалалар ва истиқболдаги вазифалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Энг муҳими, муаммолар очиқ айтилди, таклифлар билдирилди ва уларни амалий ечимга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Соғлом турмуш тарзи шиор билан эмас, шароит билан шаклланади. Агар маҳаллада спорт майдончаси бўлса —

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ФАОЛИЯТИДАН

МУАММОНИ КЎРИШДАН
УНИ ҲАЛ ҚИЛИШГАЧА

Депутатлик фаолиятини одамлардан узоқда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки унинг ҳақиқий иши, аввало, халқ орасида, одамлар билан юзма-юз мулоқотда намоён бўлади. Уларнинг дардини эшитиб, «Албатта, ҳал қиламиз», деб ваъда бериш осон, аммо айтилган сўзнинг ортидан амалий ҳаракат, муаммони тегишли ташкилотлар олдига қўйиш ва натижасини назорат қилиш — ҳақиқий депутатлик фаолиятидир.

Кўпинча аҳоли мурожаати ортида катта масала эмас, оддий, аммо инсоннинг кундалик ҳаёти учун жуда муҳим эҳтиёж туради. Кимгадир уйи атрофидаги ободонлик масаласини ҳал қилишда, яна кимгадир иш бошлаш ёки кредит олишда, бошқа бир оилага эса яшаш шароитини яхшилашда амалий ёрдам керак бўлади.

Шунинг учун депутатлик назоратининг энг муҳим жиҳати — бу муаммони эшитишнинг ўзи эмас, унинг ечимигача боришдир.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎЗХДП депутатлари фаолиятига назар ташласак, бу борада яхши натижаларга гувоҳ бўлиш мумкин. Таҳлилларга кўра, жойларда ўтказилаётган ўрганишлар давомида депутатлар аҳоли айтган масалаларни бевосита кўриб, масъул ташкилотлар билан биргаликда уларни ҳал этиш чораларини белгиламоқда.

Энг муҳими, бу жараёнда ҳар бир мурожаат рақам ёки статистика сифатида эмас, ортида муайян инсон, оила ва унинг эҳтиёжи турган масала сифатида кўриб чиқилмоқда. Айнан шу ёндашув депутатлик фаолиятини одамларга янада яқинлаштиради.

ЯШИЛ ХУДУД — СОҒЛОМ МУҲИТ

Яшил ҳудуд — маҳалла учун нафақат ободлик, балки одамлар ҳар кунги ҳис қиладиган соғлом муҳитдир. Ёзнинг иссиқ кунида сояда дам олиш, болаларнинг дарахтлар орасида ўйнаши, кексаларнинг сайр қилиши — буларнинг барчаси маҳалла ҳаётининг керакли ва гўзал манзаралари. Шунинг учун кўчат экиш билан бирга, уни асраб-авайлаш, суғориш ва кўкаламзор

худудларни кўпайтириш керак.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Рустамхон Калановнинг Юнусобод маҳаллаларидаги ташаббуслари айнан шу масала билан боғлиқ бўлди.

Жумладан, «Адолат» маҳалласида 2 500 квадрат метр майдонда "Яшил боғ" барпо этиш, 7 сотих ер майдонидан самарали фойдаланиш масалалари, «Ифтихор» ва «Биллур» маҳаллаларида ободонлаштириш, санитария ва инфратузилма ҳолати ўрганилди.

Бу ерда масала фақат кўчат экиш ёки ҳудудни тозалашда эмас. Маҳаллада ободлик билан бирга ёшлар бандлиги, ижтимоий ҳимоя ва хавфсизлик масалаларининг ҳам ўрганилаётгани муҳим.

Яъни депутатлик назорати бир муаммони ҳал қилиш билан чекланмай, маҳаллада яшаш учун қулай муҳит яратишга қаратилляпти.

ОБОДЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ШАРТИ

Бўстон туман Кенгаши депутати Матлубахон Тўйчиева ташаббуси билан аҳоли мурожаати ижобий ҳал этилди. Хусусан, Мустақиллик кўчасидаги 144 – кўп қаватли уй атрофидаги кўча ирригация тармоғи таъмирланиб, тизим қайта тикланди.

Бундай масала бир қараганда кичик муаммодек кўриниши мумкин. Лекин кўп қаватли уйда яшайдиган одам учун ҳудуднинг ободлиги, сув чиқариш ва ирригация тизимининг ишлаши кундалик ҳаётнинг бир қисми. Инфратузилма тармоғининг ишламаслиги эса бутун ҳудудда ноқулайлик келтириб чиқаради.

Ушбу депутатлик ташаббусининг аҳамияти шундаки, аҳоли айтган муаммо эшилди, ўрганилди ва амалий иш билан ҳал қилинди. Натижада ҳудудда ободлик, хавфсизлик ва қулайлик учун зарур шароит яратилди.

МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

Учкўрғон туман Кенгаши депутати Абдуллажон Қодировнинг «Соҳил» маҳалласидаги ўрганишлари эса депутатлик фаолиятининг яна бир муҳим жиҳатини кўрсатади.



Жумладан, имтиёзли кредитдан фойдаланиб чорвачилик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқарога ўзини ўзи банд қилиш ва меҳнат стажига эга бўлиш имкониятини яратиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

Бу ерда муҳим жиҳат — кредитнинг ўзи эмас, унинг инсон ҳаётида қандай натижа бериши.

Агар бир оилага имтиёзли кредит асосида иш бошлаш имкони берилса, бу фақат бир марта кўрсатилган ёрдам эмас. Бу — оиланинг ўз даромад манбаига эга бўлиши, меҳнат қилиши, ўзини ўзи банд қилиши ва келажагини мустақил қуриши учун имконият демакдир.

«Аёллар дафтари» доирасида ҳам эҳтиёжманд хотин-қизларга амалий ёрдам кўрсатилгани ана шу ёндашувнинг давоми ҳисобланади.

КАНАЛИЗАЦИЯ — ОДДИЙ ХЎЖАЛИК МАСАЛАСИ ЭМАС

Мирзачўл туман Кенгаши депутати Олтиной Намозова эса аҳоли мурожаати асосида «Ғалаба» маҳалласидаги Хумоюн Мирзо кўчасида жойлашган 16-сонли кўп қаватли уй атрофидаги канализация муаммосини ўрганди.

Ўрганиш давомида тегишли мутахассислар жалб қилиниб муаммони бартараф этиш бўйича

амалий чоралар белгиланди. Масала депутатлик назоратига олинди.

Бу каби масалаларни эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Чунки канализация тизимидаги носозлик санитария, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига таъсир қилиши табиий. Шунинг учун муаммони ўз вақтида аниқлаш ва охиригача назорат қилиш ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

КЎЧА ЁРУҒЛИГИ — ОДАМЛАР ХОТИРЖАМЛИГИ

Қизирик туман Кенгаши депутати Комилжон Муҳаммадиевнинг «Заробод» маҳалласидаги ташаббуси ҳам аҳоли учун кундалик, аммо жуда муҳим масалалардан бирига қаратилган.

Яъни кўчалардаги ёритиш тизими ўрганилиб, ишдан чиққан ёритгичларни алмаштириш, кўшимча ёритгичлар ўрнатиш бўйича таклифлар берилган. Шунингдек, энергияни тежайдиган ва автоматик бошқариладиган замонавий ёритиш тизимини жорий этиш бўйича чоралар белгиланган.

Кўча ёритилиши — фақат ободлик эмас. Кечқурун ишдан ёки ўқишдан қайтаётган одам, фарзандини кутаётган ота-она, маҳаллада ҳаракатланаётган кекса инсон учун бу, аввало, хавфсизлик ва хотиржамликдир.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ — КУНДАЛИК ЭҲТИЁЖ

Ғаллаорол туман Кенгаши депутати Акмал Исмаилов эса аҳоли мурожаати асосида Булоқбоши ва Қўйтош маҳаллаларида янги трансформатор пунктларини харид қилиш ва худудларга етказиб бериш масаласини кўтарди.

Электр таъминоти бугунги кунда ҳар бир оиланинг ҳаётига бевосита даҳлдор. Уйдаги маиший техникадан тортиб, кичик тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришгача бўлган кўплаб жараёнлар барқарор электр энергиясига боғлиқ.

Шу сабабли электр таъминотини яхшилаш бўйича амалий чораларни кўриш, аҳолини барқарор ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш масаласини депутатлик назоратида ушлаб туриш муҳим.

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИНГ ҲАҚИҚИЙ МЕЗОНИ — НАТИЖА

Ушбу мисолларни бирлаштириб турган жиҳат битта: муаммо қаерда бўлмасин — маҳаллада, кўп қаватли уй олдида, кўчада ёки хонадонда — унинг ортида аниқ инсон ва унинг эҳтиёжи турибди.

Кимдир фарзанди учун хавфсиз спорт майдончаси истайди, кимдир кўчаси ёритилишини кутади, яна кимдир тадбиркорликни бошлаш учун имкониятга муҳтож. Бошқа бир оила учун эса электр энергияси ёки канализация муаммосининг ҳал бўлиши кундалик ҳаётини енгиллаштиради.

Шу нуктаи назардан, депутатнинг вазифаси фақат мурожаатни қабул қилиш эмас. Муаммони эшитиш, жойига бориб кўриш, масъулларни жалб қилиш, ечимини топиш ва натижасини назорат қилиш — ҳақиқий депутатлик фаолиятининг мазмунини шунда.

Бугун бир маҳаллада ёритиш тизими яхшиланиши, бир оилага иш бошлаш имконияти яратилиши, кўп қаватли уйнинг инфратузилма билан боғлиқ муаммоси ҳал қилиниши ёки бир ҳудудда яшил майдон барпо этилиши — алоҳида-алоҳида қараганда кичик ишдек туюлиши мумкин. Аммо ана шу "кичик" ўзгаришлар йўғилиб, одамларнинг кундалик ҳаётини яхшилади.

Зеро, ижтимоий давлат, аввало, инсоннинг муаммосини эшитадиган, унинг дардига бефарқ бўлмайдиган ва айтилган гапни амалий натижага айлантирадиган тизим демакдир. "Биргаликда ижтимоий давлат сари" шиори ҳам айнан шу — инсон манфаати йўлидаги амалий ишлар билан мазмун касб этади.

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози"
мухбири.

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сурхондарё:
ҲИСОБОТ УЧРАШУВИ

Халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши депутати Т.Бердиев томонидан "Нурли келажак" маҳалласида сайловчилар билан очик мулоқот тарзида ҳисобот учрашуви ўтказилди.

Унда халқ депутатлари Термиз шаҳар Кенгаши раиси Д.Нормурадова, депутатлар, мутасадди ташкилотлар вакиллари, маҳалла фаоллари ва сайловчилар иштирок этди.

Учрашув давомида депутат томонидан ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, юборилган депутатлик сўровлари, ҳудудни ободонлаштириш, коммунал инфратузилмани яхшилаш ҳамда сайловчилар мурожаатлари юзасидан кўрилган чоралар ҳақида ахборот берилди.

Шунингдек, мулоқот чоғида фуқароларнинг мурожаатлари тингланди ва уларни ҳал этиш юзасидан тегишли вазифалар белгиланди.

Тошкент вилояти:

КЎПРИКНИ ЯНГИЛАШ КЕРАК

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги депутатимиз Мўҳсиiddин Низомиддинов Паркент тумани Чинорли маҳалласи аҳолисида келиб тушган мурожаат асосида ҳудудда жойлашган темир кўприк ҳолатини кўздан кечирди. Ўрганишда туман ҳокимлиги вакиллари ҳам иштирок этди. Мазкур темир кўприк 1990 йилда ҳашар усули билан қурилган бўлиб, у "Чинорли" ва "Саид-ота" маҳаллаларини боғлаб туради. Лекин кўприк бугунги кунда авария ҳолатига келиб қолган.

Депутат ва масъуллар томонидан кўприкнинг техник ҳолати, мустаҳкамлиги ҳамда хавфсизлик даражаси атрофлича кўздан кечирилди.

Аҳоли учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш мақсадида кўприкни қайта қуриш ва унинг атрофини ободонлаштириш керак, деган хулосага келинди.



Мазкур вазифа ижросини депутат ўз назоратига олди.

Хоразм:

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШИЛДИ



Халқ депутатлари Боғот туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Нигора Махсудова тумандаги 41-сон умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Ўрганиш давомида мактаб ҳудудида барпо этилаётган замонавий спорт зали қурилиш жараёни кўздан кечирилиб, бажарилаётган ишларнинг сифати ҳамда суръатига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, спорт залини белгиланган муддатда ва сифатли фойдаланишга топшириш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Навоий:

ОЧИҚ МУЛОҚОТ



Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда муаммоларини ўрганишга қаратилган лойиҳалар самарали йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Навоий вилояти Навбаҳор тумани марказий кутубхонасида фаол хотин-қизлар билан очик мулоқот ташкил этилди.

Учрашувда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, соғлигини мустаҳкамлаш, оилаларда маънавий муҳитни яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Мулоқот давомида иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва мурожаатлар тингланиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Тадбир самимий ва очик мулоқот руҳида ўтиб, аёлларни қизиқтирган қатор масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРАРО МУЛОҚОТ ВА ХАЛҚАРО ИЛМІЙ ҲАМКОРЛИК МАЙДОНИ

Бугун Янги Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёнинг, балки бутун мусулмон оламининг йирик маърифат ва цивилизация марказларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу эътироф тасодифий эмас. У мустақиллик йилларида тарихий меросни асраб-авайлаш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, маданий дипломатияни ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлида амалга оширилган изчил сиёсатнинг амалий самарасидир.

Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизда Учинчи Ренессанс ғояси асосида амалга оширилаётган ислохотлар тарихий меросга муносабатни мутлақо янги bosқичга олиб чиқди. Буюк аждодларимиз қолдирган илмий ва маънавий меросни чуқур ўрганиш, уни замонавий илм-фан ютуқлари билан уйғунлаштириш ҳамда инсоният тараққиёти манфаатларига хизмат қилдириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ана шу эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида барпо этилган Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий-маърифий сиёсатнинг энг йирик ва стратегик лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Бу мажмуа фақат бой тарихий меросни намойиш этадиган музей эмас, балки Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссасини илмий асосда тадқиқ қиладиган, халқаро мулоқотни ривожлантирадиган ва янги ғоялар туғиладиган интеллектуал марказ сифатида шаклланмоқда.

Бунинг ёрқин тасдиғини 2026 йил июль ойида Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларида ўтказилган Биринчи халқаро ислom цивилизацияси форуми мисолида кўриш мумкин. Мазкур нуфузли анжуман мамлакатимизнинг ташкилий салоҳияти, илмий мактаби ва маданий дипломатияси юксак даражага кўтарилганини яққол кўрсатди. Энг муҳими, форум мустақиллиكنинг 35 йили давомида амалга оширилган маънавий ва илмий тараққиёт сиёсатининг халқаро эътирофи сифатида тарихга кирди.

МУСТАҚИЛЛИКДАН УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ

Тарихий ҳақиқатни тиклаш, миллий ўзликни англаш ва буюк аждодлар меросини холисона ўрганиш жараёни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида янада юқори bosқичга кўтарилиб, мамлакатимизни жаҳон



цивилизацияси марказларидан бири сифатида намoён этишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг ташкил этилиши ҳам ана шу узоқ йиллик ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Марказни барпо этишдан кўзланган мақсад фақат ноёб тарихий ёдгорликларни бир жойга жамлаш эмас, балки халқимиз томонидан яратилган улкан цивилизацион меросни замонавий илмий ёндашувлар асосида ўрганиш, уни халқаро илмий жамоатчиликка холис ва асосли тарзда етказиш ҳамда келажак авлод учун ишончли маънавий пойдевор яратишдан иборат эди.

Шу боис Марказнинг ҳар бир бўлими, ҳар бир экспозицияси ва ҳар бир илмий хулосаси кенг жамоатчилик муҳокамаси ҳамда халқаро экспертизадан ўтказилди. Бу жараён мустақиллик йилларида шаклланган миллий илмий мактабнинг салоҳиятини, юртимиз олимларининг масъулияти ва фидойилигини яна бир бор намoён этди.

2024 йилда ўтказилган Ўзбекистон олимларининг биринчи миллий форуми ушбу йўлда муҳим bosқич бўлди. Тарихчилар, шарқшунослар, археологлар, манбашунослар, қўлёмашунослар, музейшунослар ва бошқа соҳалар вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда Марказ концепцияси кенг муҳокама қилинди. Форум яқунлари бўйича Кенгайтирилган илмий кенгаш ташкил этилди ва экспозиция мазмунини янада бойитиш юзасидан юзлаб илмий тақлифлар ишлаб чиқилди. Кейинчалик айнан шу тақлифлар Марказ фаолиятининг илмий дастурига айланди.

Орадан кўп ўтмай, Самарқанд шаҳрида 350 нафардан зиёд хорижий олим ва эксперт иштирокида ўтказилган халқаро

конгресс Марказнинг илмий концепциясини жаҳон миқёсида муҳокама қилиш имконини берди. Турли мамлакатлардан келган мутахассислар томонидан билдирилган фикр ва тавсиялар асосида экспозициялар янада такомиллаштирилди, янги тадқиқот йўналишлари белгилаб олинди ҳамда юзлаб илмий-инновацион лойиҳаларга старт берилди. Бу эса Марказ фақат миллий эмас, балки халқаро илмий ҳамкорлик майдонига айланаётганини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари Марказ оддий музей эмас, балки халқимиз цивилизацион тафаккурини, миллий давлатчилик анъаналарини ва буюк аждодларимиз илмий меросини ўзарo боғлайдиган маърифат маскани бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шу асосда экспозициялар қайта кўриб чиқилди, илмий матнлар бойитилди, янги артефактлар жамланди ва замонавий музей технологиялари кенг жорий этилди. Айниқса, хорижий музейлар ва хусусий коллекциялардан минглаб ноёб артефактларнинг Ватанимизга қайтарилиши, жаҳоннинг етакчи музейлари ва кутубхоналари тажрибасининг ўрганилиши ҳамда рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши Марказнинг мазмун ва салоҳиятини мутлақо янги bosқичга олиб чиқди.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида ўзарo ҳурмат, очиқ мулоқот ва гуманитар ҳамкорлик устувор тамойилга айланди. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимиз ташаббуси билан илгари сурилаётган маърифат, бағрикенглик ва цивилизациялар мулоқоти

ғоялари халқарo ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Буни, юқорида айтиб ўтганимиздек, 7-11 июль кунлари азим Тошкент, Самарқанд ва Термиз шаҳарларини қамраб олган Биринчи халқарo ислom цивилизацияси форуми мисолида кўришимиз мумкин.

Эллиқдан ортиқ давлатдан қарийб уч юз нафар нуфузли олим, халқарo ташкилотлар раҳбарлари, вазирлар, муфтийлар, университет ректорлари, музейшунослар, қўлёмашунослар ва маданий мерос соҳаси вакилларини бир майдонда жамлаган мазкур форум Ўзбекистоннинг халқарo илмий-маърифий ҳамкорлик борасидаги имкониятларини намойиш этди. Форум иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳам мамлакатимиз танлаган тараққиёт йўлининг тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади. Хорижлик олимлар ва халқарo ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистонда тарихий меросни асраш, буюк аждодлар меросини чуқур ўрганиш ҳамда уни жаҳон илм-фани билан уйғун ҳолда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳоладилар. Улар мамлакатимизни цивилизациялар ўртасидаги мулоқот, бағрикенглик ва маърифат ғояларини илгари сураётган етакчи давлатлардан бири сифатида эътироф этдилар.

Айниқса, Янги Ўзбекистон шароитида Учинчи Ренессанс ғояси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар мамлакатимизнинг халқарo нуфузини янада юксалтирмоқда. Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази ана шу эзгу ғояларнинг амалий ифодаси сифатида нафақат мамлакатимиз, балки бутун мусулмон олами ва жаҳон илмий ҳамжамияти учун муҳим маънавий-маърифий масканга айланиб бормоқда.

ЮКСАК МАРРАЛАР ЙЎЛИДА

Бугунги кунда Ўзбекистон буюк аждодларимиз меросини асраб-авайлаш билан келаниб қолаётгани йўқ. Аксинча, ушбу бебаҳо бойлиқни замонавий илм-фан, инновациялар ва халқарo ҳамкорлик билан уйғунлаштирган ҳолда инсоният тараққиётига хизмат қилдириш йўлидан бормоқда. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш, аввало, илм-фан, маърифат ва тарихий меросга таянади. Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази ана шу эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қиладиган нуфузли илмий-маърифий даргоҳ сифатида келгусида ҳам мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Рустам ЖАББОРОВ,
Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази илмий котиби, филология бўйича фалсафа доктори (PhD).



Афросиёб. Самарқанд фарзанди бўлганим учун тарихи милоддан аввалги VII асрларга бориб тақалувчи бу қадим кентга ўзгача қизиқиш, меҳру муҳаббат, унинг кечинмаларидан хабардор бўлиш истаги қалбимда мен билан баробар ўсди, десам адашмайман. Кейинчалик билдимки, Самарқанд ёнидаги қадим тепаликлар ўрнида бир пайтлар жуда гўзал шаҳар — Афросиёб қад ростлаб турган.

Аввало, бу кўҳна ва сирли шаҳарга номи берилган тарихий шахс Алп Эр Тўнға – Афросиёб ҳақида биров тўхталмоқ жоиз.

Шарқ олами, хусусан, Эрон ва Туроннинг деярли ҳамма алломалари, адибу тарихчилари Афросиёб ҳақида муайян маълумот бериб ўтганлар. У Туроннинг улўғ таянчи, дунёнинг машҳур ҳукмдорларидан бири сифатида тасвирланган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (1069—1072 й.) асарида Афросиёб ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Туркларнинг улўғ хони Алп Эр Тўнгани Афросиёб деб атар эдилар. Йўлбарс каби

кучли, баҳодир одам демақдир» (3-жилд, 379-бет). Шунингдек, Тўнға сўзининг «метиндек қаттиқ, кўпориб бўлмас даражада мустаҳкам» деган маънолари ҳам мавжуд эканлиги мазкур девонда айтиб ўтилган.

Баҳор фаслида Афросиёб тепаликлари қизғалдоқларга бурканади. Бу чирой остида қадим боболаримизнинг ақлу шижоати билан бунёд этилган шоҳона саройлар, уйлар, хунармандларнинг устахоналари, савдогарларнинг дўконлари, масжид ва мадрасалар, мудофаа иншоотлари, боғу гулзорлар, шаҳарни сув билан таъминлаш тизимлари ётгани археологик қазिशмалар туфайли маълум бўлди.

Биламизки, бу табаррук шаҳар бошидан не-не суронлар ўтган. 1220 йилда Чингизхон кўшинлари Жўйи арзиз тўғонини бузиб, шаҳарни сувсиз қолдиргани, bosқинчилар девор ва дарвозаларни вайрон қилиб, сарой, масжид ва мадрасаларни, тинч аҳоли хонадонларига ўт қўйгани тарихий манбаларда келтирилади.

Афросиёбдек Ер юзининг нодир шаҳарини забт этиш учун не-не шоҳлар, хонлар,

амирлар, хоқону ҳукмдорлар шамшир ўйнатиб, қилич сермаб, бу заминга келмишлар. Улар шаҳарнинг бойликларини олиб кетгандир, маълум муддат бунда давру даврон сургандир, аммо боболаримизнинг пешона терлари тўкилган тўпроқларни, ватанга бўлган садоқатни, қон билан ёзилган дostonларни, тарихни олиб кетолмаганлари аниқ.

Бизнинг замонга келиб, Афросиёб тепаликлари Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилди.

Биз учун у ерда топилган кўҳна шаҳар деворлари, буюмларнинг синиқ бўлаклари, куйган кийимларнинг қорайиб қолган парчалари ҳам қадрли. Улар тарихдан сўзлайди. Улар сўнгги нафасигача ўз шаҳрини ҳимоя қилган аждодларимиз ҳақида мардликнинг дардли дostonини куйлайди. Сиёб ариғи, Сиёб бозори, Сиёб маҳалласи, Сиёб кўчаси номлари билан бутун бир тарихни елкаларида елкалаган.

Афросиёб. Менинг болалик хотирамда гул бўлиб, куш бўлиб гавдаланган ном ҳақиқатга яқин экан. Афросиёб – қулда ўсиб чиққан гул экан. Афросиёб оловлардан омон чиққан Ҳумо

қуши экан.

Бундан ўн беш йил олдин Ўзбекистонга Испаниядан тезюрар Talgo поезди келтирилди. У худди Ҳумо қушига ўхшайди. Номини “Афросиёб” деб атадилар. Унинг қанотига мустақил Ўзбекистон байроғининг тимсоли туширилди. Мустақиллик байрами арафаси эди. “Афросиёб” ўзининг биринчи «учиши»да Самарқандга қараб йўл олди. У ўз қанотида асрий армонларни олиб учди. Унда йўлга чиққанлар орасида мен ҳам бор эдим.

“Афросиёб”нинг юмшоқ ўриндиқларида ўтириб, ойнадан қараб кетаяпман. Поездимиз атиги икки соат атрофида Ер юзининг сайқали Самарқандга боришини хаёлимдан кечириб, ҳаяжонланиб кетаман.

Вагон ойнасидан кино тасмасидек бир-бир ўтаётган кўркам бинолар, ям-яшил кенгликлар, темир йўл ёқасидаги сўлим манзилларарo болалигимга қайтаман.

Мен туғилиб, камолга етган Нарпай туманининг Янгисарой қишлоғи ёнидан темир йўл ўтган. Темир йўлдан пишқириб қатнайдиган поездларнинг овози кеча-ю кундуз бизга эшитилиб туради. Тинимсиз ўтаётган юк вагонларини санаб ўтириш биз, болаларнинг одатий юмушимиз эди. Аҳён-аҳёнда йўловчи поездлари ўтар, бизнинг наздимизда ўша поездда кетаётганлар дунёнинг энг бахтли одамлари саналарди. Кўпинча уларни нигоҳларимиз билан кузата туриб, адирда, сайхонлиқда, темир йўл ёқасида жойлашган кенгликларда гоҳ чорва боқаятган, гоҳо ем-хашак йиғаятган, ғўза қаторларидаги бегона ўтларни юлаётган, куз фаслида пахта тераётган биз, болалар маънос тортиб қолардик. Аксариятимизнинг орзуимиз – бир кун поездга чиқамиз-у, пойтахтга бориб, “катта-катта” ўқишларда ўқиш эди.

Ниҳоят, ўрта мактабни битириб, Тошкентга поездда кетадиган бўлдик. Мен, дугонам Холбуви ва қўшимизнинг Тошкентда ўқийдиган ўғли Шопўлат поездга чиқдик.

Биз чиққан вагон “плацкарт” дейилар, ёнимиздан хоҳлаган

одам ўтиб кетаверар экан. Ундай вагонларда ўғрилар бир бекатдан чиқиб, одамларнинг пул ва қимматли буюмларини ўғирлаб, бошқа бекатда тушиб кетиши одатий ҳол эканини айтишди. Уша-ўша поездга чиқмайдиган, фақат автобусда Самарқандга қатнайдиган бўлдим.

Кейинги йилларда барча соҳа қаторида транспорт тизимида ҳам яхши ўзгаришлар рўй берди. Хизмат сафарларига поездда борадиган бўлдик. Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” таргйботчилар жамиятининг аъзоси сифатида “Афросиёб” поездиди Самарқандга, Бухорога, Қашқадарёга йўл олган дастлабки кунларимизда гўёки эртaк оламида юргандек ўзимни ҳис қилганларим ёдимда.

“Афросиёб” – Ўзбекистондаги энг тезюрар поезд. У Тошкент, Самарқанд, Қарши ва Бухоро шаҳарлари ўртасида юқори тезлиқда қатнайди. Бирин-кетин Шахрисабз ва Хива каби тарихий шаҳарларга ҳам “Афросиёб” қатновни йўлга қўйилди.

“Афросиёб” энди менинг энг қулай транспорт воситамга айланди. Поездда йўловчилар учун ҳамма шароитлар яратилган: исталган қиялиқда созланувчи юмшоқ ўриндиқлар, мўътадил ҳарорат назорати, юқори сифатли хизмат...

Мана, яқинда “Афросиёб”да маърифий тадбирни ўтказиш мақсадида хизмат сафарига йўл олдик. Шинам ва баҳаво вагонда кимдир китоб ўқияпти, кимдир телефонда яқин инсони билан ёзишяпти, кимдир пинакка кетган. Барча чеҳраларда хотиржамлик, мамнунлик сезилади. Мен эса вагон ойнасидан юртим жамолига бўлиб тўймайман. Тинчлик, қут-барақа ҳукм сурган бу юртнинг чўллари ҳам, пурвиқор шаҳарлари ҳам, поездга қараб қўл силқитганча қолаётган болаларнинг қувончлари ҳам – ҳамма-ҳаммаси гўзал ва бетакрор. «Афросиёб», йўлинг ҳамиша равон бўлсин!

Зулфия МЎМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” таргйботчилар жамияти аъзоси.

“Ўзсувтаъминот” АЖ: АҲОЛИНИНГ МАРКАЗЛАШГАН ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ 83,5 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ

“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар, соҳада ечимини кутаётган масалалар ҳамда галдаги устувор режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда аҳолини сифатли ва барқарор ичимлик суви билан таъминлаш, оқова сув хизматлари қамровини кенгайтириш, мавжуд инфратузилмаларни модернизация қилиш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, жорий йилда тизимда жами 9,3 триллион сўм маблағ ўзлаштирилиши, қарийб 2,7 минг километр ичимлик суви ва 530 километр оқова сув тармоқлари қурилиши, шу билан бирга, 115 та ичимлик суви ва 41 та оқова сув иншооти барпо этилиши кўзда тутилган. Натижада эса 107 та маҳалла илк бор тоза ичимлик суви билан таъминланади, 453 та маҳаллада сув таъминоти яхшиланади. Бу орқали аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 83,5 фоизга етказиш асосий мақсад ҳисобланади.

– Сув таъминоти аҳолининг кундалик ҳаёти, саломатлиги ва муносиб турмуш шароити билан боғлиқ долзарб масала, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари в.б. Комилбек Юсупов. – Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда сўнгги 9 йилда соҳага жами 35 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Бунинг яримдан кўпи, яъни 18,8 триллион сўми давлат бюджети, қолгани халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобига тўғри келади.



Ўтган даврда 39 минг километр ичимлик суви тармоқлари тортилди, 3 400 дан ортиқ сув иншооти бунёд қилинди ва кунлик 4 миллион куб метр янги қувватлар яратилди. Оқова сув йўналишида эса 3,2 минг километр тармоқлар тортилди, 295 та оқова сув иншооти қурилди.

Жумладан, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида Осиё тараққиёт банкнинг 23 миллион доллар маблағлари ҳисобидан кунлик қуввати 130 минг куб метр бўлган оқова сув тозалаш иншооти барпо этилди. Натижада Чирчиқ шаҳридаги 39 та маҳаллада 160 мингдан ортиқ аҳолининг оқова сув хизматлари яхшиланди ва қамров даражаси 80,4 фоиздан 90 фоизга етказилди.

– Бугунги кунда халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтирилиб, ажратилаётган узоқ муддатли имтиёзли кредит маблағларидан мақсадли фойдаланиш айти заруратдир, – дейди “Ўзсувтаъминот” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Нодир Ходжамов. – Ҳозирда

10 дан ортиқ халқаро ташкилот ва компаниялар, жумладан, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялар банки, Ислон тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги, Саудия тараққиёт ва “ОПЕК” жамғармалари, “СУЭЗ” компанияси каби ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатилган. Соҳада жалб этилаётган инвестициялар ва шу орқали технологиялар ҳажми ва кўлами йил сайин ортиб бораётгани эътирофга лойиқ, албатта.

2026 йилнинг 7 ойида 21 та лойиҳа доирасида жами 260,7 миллион доллар қарз маблағлари ўзлаштирилиб, белгиланган прогноз кўрсаткичи 106,5 фоизга бажарилди. Эвазига жами 290 км ичимлик ва 120 км оқова сув тармоғи тортилди, 90 та объектларда қурилиш ишлари амалга оширилди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинаётган Тошкент халқаро инвестиция форуми бугунги кунда ушбу йўналишда ҳам ўзининг амалий

натижаларини бермоқда. Форум давомида ишончли ҳамкорларимиздан бири — Германия тараққиёт банки (KfW) билан Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида сув таъминоти ҳамда канализация тизимларини яхшилаш учун жами қиймати 130 миллион еврога тенг қарз ва 67 миллион евро миқдорида грант битимлари имзоланди.

Жорий йилда халқаро молия институтлари маблағлари ҳамда хорижий инвестициялар ҳисобидан яна қарийб 600 км ичимлик ва 300 км оқова сув тармоқлари тортилади, шунингдек, 16 та ичимлик ва 4 та оқова сув иншоотлари қурилиши мўлжалланаяпти. Бу эса аҳолининг марказлашган тоза ичимлик суви ва оқова сув хизматлари билан таъминланиши сезиларли даражада ошириш, ҳудудларда сифатли коммунал хизматлар қамровини кенгайтиришда муҳим қадам ҳисобланади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.**

СПОРТ

Футбол:
**ОСИЁ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК
БОШЛАНДИ**



Қитъанинг энг нуфузли XX ёзги Осиё ўйинларига Ўзбекистон U-23 футбол терма жамоаси қизгин тайёргарликни бошлади. Ушбу мусобақа жорий йилнинг 19 сентябрь – 4 октябрь кунлари Японияда ўтказилади. Мазкур Осиё ўйинларида қитъамизнинг 45 та мамлакатли спортчилари иштирок этади. Мусобақа дастуридан 43 та спорт тури бўйича 71 та йўналиш ўрин олган.

Осиё ўйинларининг футбол баҳсларида эркалар ўртасидаги мусобақада 15 та жамоа тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ғолиблик учун кураш олиб боради.

Ўзбекистон U-23 терма жамоаси «С» гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз гуруҳ босқичидаги биринчи учрашувини Филиппинга қарши ўтказади. Иккинчи учрашувда Кувайт ва учинчи ўйинда Вьетнам терма жамоасига қарши майдонга тушади.

Шахмат:
**КУЧЛИ ЖАМОАЛАР РЎЙХАТИ ЭЪЛОН
ҚИЛИНДИ**



Халқаро шахмат федерацияси 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида иштирок этадиган кучли жамоалар рўйхатини эълон қилди. Унга кўра, Жавоҳир Синдоров, Нодирбек Абдусатторов, Нодирбек Ёқуббоев, Шамсиддин Воҳидов ва Муҳиддин Мадаминовдан иборат Ўзбекистон-1 эркалар терма жамоаси 2720 ўртача рейтинг очкоси билан кучли учликда қайд этилди.

Эслатма учун, “Жаҳон терма жамоаси” номи билан танилган АҚШ жамоаси 2751 очко билан биринчи, 2733 очкога эга Ҳиндистон жамоаси эса иккинчи ўринни эгаллаган.

Шунингдек, шахмат олимпиадасида иштирок этадиган аёллар жамоалари рейтингда Ҳиндистон, Хитой ва Грузия терма жамоалари кучли учликдан жой олган. Афруза Ҳамдамова, Гулруҳбегим Тоҳиржонов, Умида Омонова, Гулдона Каримова ва Нилуфархон Имомқўзиёевадан иборат Ўзбекистон-1 аёллар жамоаси эса 192 та жамоа орасида 13-ўринни эгаллаган.

Эшқак ЭШИШ:
**ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР ИЛК БОР
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ**



Ўзбекистонлик спортчилар Шахзод Нурматов ва Собир Сафаралиев академик эшқак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида

олтин медални қўлга киритди. Амстердамда 24–30 август кунлари ўтказилган мусобақанинг энгил вазнли жуфтликлар баҳсида улар 2000 метр масофани 6:21.93 натижа билан босиб ўтди. Қумуш медаль Германия, бронза эса АҚШ вакилларига насиб этди. Бу Ўзбекистон академик эшқак эшувчиларининг катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатидаги илк олтин медали бўлди. Спортчилар тарихий ғалабани Ўзбекистон мустақиллигининг 35 йиллигига бағишлашини маълум қилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши жамоаси партия Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи Фахриддин Элмуродовга отаси **Фарҳод ЭЛМУРОДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

САФДОШЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА



Бугун юртимизда юксак тараққиётдан дарак берувчи беқиёс ўзгаришлар, ажойиб бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Соҳалар йил сайин ривожланмоқда. Бундай эзгу иш ва хайрли амалларни Узун туман тиббиёт бирлашмасидаги янгилиниш ва ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

– Мамлакатимиз сарҳадида жойлашган ҳудудда 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда, – дейди Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмонов. – Жойларда юзга яқин тиббий муассаса фаолият кўрсатмоқда. Қисқа даврда ўнга яқин тиббий маскан фойдаланишга топширилган бўлса, яна

бир қисми капитал таъмирланди. Россия, Хитой, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатлардан асбоб-ускуна ҳамда жиҳозлар келтирилгани айти мўддао бўлди.

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг салоҳияти ўз электорати ва амалга ошираётган хайрли ишлари билан белгиланади. Янги ташаббус ва ўзгача ғоялар муҳим ўрин тутиши табиий. Бу борада бирлашма ва жойлардаги масканларда ўзига хос мактаб яратилгани қувонарли. Бунга фидойи сафдошларимиз муносиб ҳисса қўшаётганидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

– Соҳада 3 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 350 нафардан зиёдини партиядошларимиз ташкил қилади, – дейди туман тиббиёт

бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти раҳбари Асила Ҳамдамова. – Ўзбекистон ХДПга қизиқувчилар сафи кенгаёётгани қувонарли. Бундан икки ой олдин 25 нафар тиббиёт ходимлари партиямизни танлаган бўлса, яқинда яна 8 киши сафимизга қўшилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон ХДП Узун тумани кенгаши масъуллари, тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари, депутатлар, бошланғич партия ташкилоти етакчилари, фаоллар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

– Энг улугʻ ва энг азиз байрам – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллиги биз учун қувончларга бой бўлди, – дейди Нилуфар Бобохонова. – Шодиёна кунларида партия билетларини олганимиз ҳақиқий маънода қўшалоқ айёмга айланиб кетди. Биласизми, ёшлигимдан сиёсий партиялар фаолияти ва уларнинг амалга ошираётган ишларига қизиқардим. Ўзбекистон ХДПнинг мақсадлари билан яхши танишман. Юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

– Жойлардаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этишда Ўзбекистон ХДПнинг ўз йўли ва ўз сўзи бор, – дейди Шахноза Сафарова. – Аҳоли фаровонлиги учун амалга оширилаётган ана шундай хайрли ишларга ҳисса қўшишни истаган ҳолда кўпчилик қатори мен ҳам шу партияни танладим. Келажакда тарафдорларимиз сони янада кўпайишига ишонаман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbekovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

MUASSIS:



**O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI**

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulugʻbek INOYATOV

Ulugʻbek VAFOYEV

Maqsuda VORISOVA

Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA

Muslihiiddin MUHIDDINOV

Olim RAVSHANOV

Toshtemir XUDOYQULOV